



Региональная
экспертная группа
по здоровью мигрантов

Ҳисобот муаллифлари:

Сергей Учаев

Оксана Абдуллаева

Шухрат Абдуллаев

2022



ОИВ билан касалланган меҳнат
мигрантларининг тиббий хизматлардан
фойдаланиши, уларни парвариш қилиш ва
соғлигини қўллаб-қувватлаш имкониятини
баҳолаш: Ўзбекистон Республикаси

Мазкур тадқиқот Евросиё зарарни камайтириш Ассоциацияси (ЕЗКА) томонидан қўллаб-қувватланганлиги туфайли амалга оширилди.

Ҳисобот муаллифлари:

Сергей Учаев,

«Ишонч ва ҳаёт» ННТ раиси, ишчи гуруҳ раҳбари

Оксана Абдуллаева,

“ИТАФАКТ” Ижтимоий Тадқиқотлар Агентлигининг катта тадқиқотчиси

Шухрат Абдуллаев,

“ИТАФАКТ” Ижтимоий Тадқиқотлар Агентлиги директори, етакчи тадқиқотчи.

Тадқиқот давомда берилган маслаҳатлар ва кўрсатилган техник ёрдам учун алоҳида миннатдорчилигимизни Мигрантлар саломатлиги бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг қуйидаги ходимларига билдирамиз:

Зинаида Абросимова,

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда мигрантларнинг саломатлиги бўйича минтақавий эксперт гуруҳи координатори, шунингдек

Даниил Кашницкий,

Мигрантлар саломатлиги бўйича ҳудудий экспертлар гуруҳининг академик ҳамжамият билан ўзаро ҳамкорлик бўйича координатори, “Олий иқтисодиёт мактаби” ИТИ, Ижтимоий сиёсат институти кичик илмий ходими.

ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ШАРТЛИ ТУШУНЧАЛАР РЎЙХАТИ

ТММА - Ташқи Меҳнат Миграцияси Агентлиги
РВҚТ - Ретровирусга қарши терапия
ОИВ - Одамнинг иммунитет танқислиги вируси
КЭН - Кузатув эпидемиология назорати
ОБЯШ - ОИВ билан яшовчи шахслар
БММВ - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
ИИВ - Ички ишлар вазирлиги
МваБ - Мониторинг ва баҳолаш
ХМТ - Халқаро миграция ташкилоти
ИЭК - ОИВ инфекцияси, сил касаллиги, безгак тарқалишининг олдини олиш ва тадбирларни амалга ошириш учун донор маблағларни жалб қилиш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни таъминлаш ва ишларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро эксперт Кенгаши
ННТ - Нодавлат нотижорат ташкилоти
НХҲ - Норматив-ҳуқуқий ҳужжат
БАА - Бирлашган Араб Амирликлари
ВМҚ - Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
ПҚ - Президент қарори
ЎзР - Ўзбекистон Республикаси
РФ - Россия Федерацияси
ОИТС РМ - Республика ОИТСга қарши кураш маркази
СанҚваМ - Санитария қоидалари ва меъерлари
ММҚ - Мамлакат Мувофиқлаштирувчи Қўмитаси
ОАВ - Оммавий ахборот воситалари
МДХ - Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
ОИТС - Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми
ЧИ - Чуқурлаштирилган интервью

МУНДАРИЖА



ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ШАРТЛИ ТУШУНЧАЛАР РЎЙХАТИ	3
КИРИШ	7
Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари	7
Тадқиқот методологияси	7
Тадқиқот географияси ва чекловлар	9
Ҳисоботнинг тузилиши	9
1. МИЛЛИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДИНАМИКАСИ ВА ОИВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ САЛОМАТЛИГИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ВА ИККИ ТОМОНЛАМА БИТИМЛАР ТУЗИШ	10
Меҳнат ва ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муҳит	10
Меҳнат миграцияси соҳасида халқаро битимлар тузиш динамикаси	11
Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муҳит	12
Чет элга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-меҳнат мигрантларини ОИВ га текшириш амалиёти	14

МУНДАРИЖА

♦

Хорижий меҳнат мигрантларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда ОИВ инфекциясига текшириш амалиёти	16
2. МИЛЛИЙ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ШУ ЖУМЛАДАН ОИВ БИЛАН ЯШАЁТГАН МИГРАНТЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ МАСАЛАЛАРИ	18
Меҳнат мигрантлари гуруҳида ОИВ тарқалишининг олдини олиш сиёсати	18
ОИВ тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи механизм	21
Меҳнат мигрантлари гуруҳлари билан профилактика дастурлари	21
ОИВ инфекциясини даволаш, қўллаб-қувватлаш ва парвариш қилиш билан боғлиқ давлат харажатлари тўғрисидаги маълумотлар	22
3. ОБЯШ ГУРУҲИНИНГ ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ БЎЙИЧА ТАЖРИБАСИ: АСОСИЙ ГУРУҲЛАР БИЛАН ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН СУҲБАТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ	24
Ишга жойлашиш учун чет элга чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тегишли муаммолар	24
ОБЯШ учун чет элда ишлаш имкониятини қўлга киритишда гендер фарқлар	26
РВҚТ ва тиббий ёрдам олиш имконияти	27

МУНДАРИЖА



Чет элдан қайтиб келгач, ОБЯШнинг даволаниш ва қўллаб-қувватниши имконияти	29
Меҳнат миграциясида бўлган ОБЯШ гуруҳи вакиллари учун ННТнинг қўллаб-қувватловчи ташаббуслари	30
ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР	32
Асосий хулосалар	32
Асосий тавсиялар	35
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	37

КИРИШ

Тадқиқот мақсади ва вазифалари

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси билан касалланган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш-меҳнат миграцияси мақсадида республикадан чиқиб кетаётганда соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятни ўрганишдан иборат.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш зарур эди:

1. Мамлакатга қайтиб келгач, меҳнат мигрантлари олдида турган асосий ҳуқуқий ва институционал тўсиқларни таърифлаш;
2. Меҳнат мигрантлари орасида мавжуд бўлган ОИВ эпидемиологик маълумотларини кўриб чиқиш;
3. Мигрантларнинг саломатлиги соҳасида миллий сиёсатни таҳлил қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида халқаро меҳнат мигрантларига ОИВ билан касалланган мигрантларни чет элда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ОИВ инфекцияси муносабати билан даволаш ва хизмат кўрсатиш;
4. Меҳнат мигрантларининг саломатлиги соҳасида бошқа мамлакатлар билан халқаро ва икки томонлама шартномалар тузиш динамикасини тавсифлаб бериш;
5. Фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолияти ва меҳнат мигрантлари саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритаётган лойиҳалар ҳақида маълумот тўплаш;
6. ОИВга қарши кураш бўйича миллий дастурда меҳнат мигрантларининг саломатлиги бўйича компонентни, шу жумладан, Глобал фонд гранти маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Дастурни қисқача таҳлил қилиш. ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича мамлакат мувофиқлаштирувчи механизмнинг кун тартибида ОИВ билан касалланган меҳнат мигрантлари гуруҳининг ўрнини тавсифлаш;
7. Ўзбекистон Республикасига меҳнат миграциясидан қайтган ОИВ таҳлили мусбат бўлган фуқароларни даволаш билан боғлиқ давлат харажатлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш.

Методологик тадқиқотлар

Вазиятни таҳлил қилиш учун иккиламчи маълумотларни таҳлил қилиш усули ва асосий информаторлар билан чуқурлаштирилган интервьюларни ўз ичига олган сифатли методология қўлланилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси расмий статистикасининг очиқ маълумотлари каби манбалардаги иккиламчи маълумотлар таҳлил қилинди; қонун ҳужжатларининг очиқ маълумотлар базалари, шу жумладан қонунлар, қонуности ҳужжатлари (мамлакат Президенти ва ҳукуматининг фармонлари, қарорлари) ва норматив ҳужжатлар (айрим вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган қарорлар, буйруқ, протоколлар);

меҳнат мигрантлари билан ишлайдиган давлат ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар; ишга жойлашиш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга ёрдам берадиган иқтисодий тузилмалари тўғрисидаги маълумотлар; ОИВ билан касалланган мигрантларни мақсадли қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар; умуман меҳнат миграцияси масалаларини ёритувчи ва соғлиқни сақлаш ҳамда ОИВ билан боғлиқ масалаларни қамраб олган электрон оммавий ахборот воситалари материаллари.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича долзарб маълумотларни олиш учун «Ишонч ва ҳаёт» ННТ томонидан Республика ОИТСга қарши марказига сўров тайёрланди. Сўров қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади:

1. 2021 йил 1 январ ҳолати бўйича мигрантлар орасида КЭН натижалари;
2. Ишга жойлашиш мақсадида чет элга чиқаётган шахслар учун ОИВ инфекцияси билан боғлиқ тиббий хизмат кўрсатиш қоидаларини тартибга солувчи қарорлар, протоколлар ва бошқа қонун ҳужжатлари рўйхати;
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномалари бўйича хорижий шахслар учун ОИВ инфекцияси билан боғлиқ тиббий хизмат кўрсатиш қоидаларини тартибга солувчи қарорлар, баённомалар ва бошқа қонун ҳужжатлари рўйхати;
4. ОИВ-мусбат бўлган фуқароларни даволаш билан боғлиқ давлат харажатларининг тахминий ҳисоб-китоблари;
5. Мигрантлар саломатлиги соҳасида мавжуд бўлган ҳужжатлар (қонунлар ва қонуности ҳужжатлари) рўйхати, шу жумладан чет элда ОИВ билан касалланган мигрантларни қўллаб-қувватлаш.
6. Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқа мамлакатлар билан тузилган мигрантлар саломатлиги соҳасидаги халқаро ва икки томонлама битимлар рўйхати.

Шунингдек, ушбу тадқиқотни ўтказиш ва унинг натижалари бўйича энг тўлиқ ҳисоботни тайёрлашга ёрдам берадиган бошқа тегишли очиқ маълумотлар ҳам сўралган. Сўровга кўра, ОИТС РМ томонидан юқоридagi маълумотларнинг бир қисми жавоб сифатида олинган. Маълумотлар қайта ишланган ва ушбу ҳисоботга киритилган.

Дастлабки маълумот олиш мақсадида чуқурлаштирилган интервью олиш учун иккита йўриқнома ишлаб чиқилди. Биринчиси — соғлиқни сақлаш тизими вакиллари: ОИВ билан касалланган бир гуруҳ меҳнат мигрантлари билан ишлаш тажрибасига эга бўлган тиббий ходимлар билан. Иккинчиси-иш/ўқиш мақсадида чет элга чиқиш тажрибасига эга бўлган ОБЯШ гуруҳи вакиллари билан. Йўриқнома ўзбек тилига таржима қилинган. Рус тилидаги вариантлари ушбу ҳисоботнинг 1 ва 2 иловаларида тўлиқ берилган.

Ўзбек ва рус тилларини яхши биладиган махсус ўқитилган интервью олувчилар томонидан жами олтита чуқурлаштирилган интервью ўтказилди. ЧИ респондентларнинг қуйидаги тоифалари билан ўтказилди:

- соғлиқни сақлаш ходими, ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш тизими мутахассиси-1 киши
- ишга жойлашиш учун миграция тажрибасига эга бўлган ОБЯШ гуруҳи вакиллари(аёллар)-3 киши
- ишга жойлашиш учун миграция тажрибасига эга бўлган ОБЯШ гуруҳи вакиллари(эркаклар)-2 киши

Интервью бошланишидан олдин тадқиқотнинг барча иштирокчилари унинг мақсадлари ва вазифалари билан танишдилар ва «Ихтиёрий розилик» шакллари имзоладилар.

Тадқиқот географияси ва чекловлар

Тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида ўтказилди. Барча асосий маълумотлар, шунингдек, ишга жойлашиш учун чет элга чиқиш тажрибасига эга бўлган ОБЯШ гуруҳи вакиллари орасида тўпланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, олинган маълумотлар ОИВ билан боғлиқ даволаниш, қўллаб-қувватлаш ва парвариш қилиш имкониятларига таъсир қилувчи омилларнинг тўлиқ бўлмаган спектрини ўз ичига олиши мумкин. Улар мамлакат пойтахтида ОИВ билан касалланган мигрантларга хос бўлиши мумкин ва минтақавий хусусиятларни, хусусан, тил тўсиқларини ва бошқаларни акс эттирмайди. Маълумотлар эҳтиёткорлик билан талқин қилиниши керак, тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун мамлакатнинг барча ҳудудларида жинси, ёши, таълим даражаси ва бошқалар бўйича ажратилган респондентлар гуруҳлари билан чуқурлаштирилган суҳбатлар ва мақсадли гуруҳларда муҳокамалар ўтказилиши зарур. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими, меҳнат ва таълим тизими вакиллари билан кўпроқ чуқурлаштирилган интервьюлар талаб этилади.

Ҳисоботнинг тузилиши

Ушбу ҳисобот учта асосий бўлимга бўлинган. Биринчиси ОИВ инфекцияси билан касалланган меҳнат мигрантларининг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик базасини ислоҳ қилиш жараёни, шунингдек, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Иккинчиси меҳнат мигрантлари, шу жумладан ОИВ инфекцияси билан касалланган мигрантлар билан ишлаш бўйича миллий мувофиқлаштириш механизмини таҳлил қилишга бағишланган. Учинчиси, меҳнат миграцияси учун чет элга сафар қилган ОБЯШ вакиллари орасидаги ҳақиқий вазияни таҳлил қилиш масалаларига бағишланган. Тавсифда хорижга ишлаш учун кетиш тўғрисида қарор қабул қилиш, хорижда меҳнатни қонунийлаштириш борасидаги мавжуд тўсиқлар, ишга жойлашишдаги гендер тафовутлари, РВҚТга риоя қилиш ва дори воситаларидан фойдаланиш имконияти, чет элдан қайтгандан кейин даволаниш имконияти, шунингдек, ОИВ билан касалланган меҳнат мигрантлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби масалаларга тўхтаб ўтилган. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра асосий хулосалар ва тавсиялар келтирилган.



МИЛЛИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДИНАМИКАСИ ВА ОИВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ САЛОМАТЛИГИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ВА ИККИ ТОМОНЛАМА БИТИМЛАР ТУЗИШ

Меҳнат ва ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муҳит

Мамлакатда меҳнат муносабатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тизими Ўзбекистон Республикасининг меҳнат соҳасидаги қонунларига, Олий Мажлис қарорларига¹, Президент фармонларига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига ва Жўқорғи Кенгес² қарорларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижро этувчи органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорларига асосланади. Бундан ташқари, айрим меҳнат соҳалари, хусусан, меҳнат миграцияси масалалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ўзбекистонликлар ишга жойлашиш учун юборилган мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида икки томонлама битимлар билан тартибга солинади.

Конституциявий нормалар ва принциплар тизимини, шунингдек, меҳнат муносабатлари соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш, асосан, соҳа ва иш жойини, соғлиқни сақлаш масалалари танлаш борасида инсон ҳуқуқлари бўйича ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бироқ, бу ҳулоса қисман тўғри бўлиб, ишга жойлашиш мақсадида қонуний ҳаракатланиш имкониятлари, қоида тариқасида, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва йўриқномалар даражасидаги тўсиқлар билан чегараланган ОБЯШ га тааллуқли эмас.

Мамлакатнинг меҳнат соҳасини тартибга солувчи асосий қонунлари 1995 йилда қабул қилинган бўлса-да, ҳужжатларнинг аксарияти 2018-дан бошлаб янгиланди ёки янгидан қабул қилинди.

2018-йилдан буён мамлакатимизда меҳнат соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат миграцияси тизимини тартибга солиш борасида миллий қонун ҳужжатлари жиддий ислоҳ қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳол-

¹ Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси (Олий кенгаш) — Ўзбекистон Республикаси парламенти, давлат ҳокимиятининг вакиллик ва Қонунчилик органи.

² Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (Олий кенгаш) — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимиятининг олий давлат вакиллик органи (Ўзбекистон таркибида).

да ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 725-сонли қарори қабул қилинди. 2019-2020 йилларда норматив-ҳуқуқий базани ислоҳ қилиш давом эттирилди ва қуйидаги муҳим ҳужжатлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.08.2019 йилдаги «Чет элда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5785-сонли фармони. Ҳужжат меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ишончли механизмларини яратиш, шу жумладан уй-жойи ва маиший шароитларни яхшилаш, молиявий ёрдам, ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислик қилаётган Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари раҳбарларидан ташкил топган ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Республика Комиссияси ташкил этилди. Шунингдек, чет элда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлиги департаменти ташкил этилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида халқаро битимлар тузиш динамикаси

Давлат раҳбарининг 2018-йил 28-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарини очиш тўғрисида”ги ПК-3743-сонли қарори доирасида Ўзбекистон Республикаси меҳнат мигрантларининг хориждаги ҳуқуқ ва манфаатларини муаммосиз кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида АВТМнинг хорижий ваколатхоналари ташкил этилмоқда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик муассасаларида Меҳнат миграцияси масалалари бўйича Атташеда қўшимча штат бирликлари жорий этилмоқда.

Меҳнат миграцияси соҳасида халқаро шартномаларни амалга ошириш учун масъул тузилмалар: Меҳнат вазирлиги; Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги; Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ташқи ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муҳит

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир неча қонунларидан, шунингдек, ОИВ инфекцияси профилактикаси масалаларидан иборат бўлиб, идоравий норматив ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

23.09.2013 йилдаги «Одамда иммунитет танқислиги вируси (ОИВ инфекцияси) оқибатида келиб чиққан касалликнинг тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги қонун ОИВ билан касалланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро стандартлар киритилган асосий ҳужжатдир. ОИВга қарши кураш тўғрисидаги қонун ОИВ/ОИТС ҳақида асосий тушунчаларни, шунингдек, давлат томонидан тартибга солувчи нормаларини ҳамда вирус тарқалишига қарши чораларни ўз ичига олади. Қонуннинг алоҳида боби ОИВ билан касалланганларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига, шунингдек, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга бағишланган.

Қонунда мамлакатнинг барча даволаш-профилактика муассасаларида ихтиёрий, мажбурий ёки мажбурлаш тартибда ўтказилиши мумкин бўлган ОИВга тиббий кўрикдан ўтиш тартиби билан тартибга солинади.³ Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлиги томонидан рўйхатга киритилган айрим касблар ходимлари ишга қабул қилинганда, дастлабки ва даврий тиббий кўрикларда ОИВ (15-модда) бўйича мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилади. Қонунга мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилишга ва ОИВ билан боғлиқ ҳолда ишга қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди, касбий фаолиятнинг айрим турлари бундан мустасно.

ОИВ инфекцияси бўлган одамлар илгари ишлаган ташкилотда ўз меҳнат фаолиятини давом эттириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, мамлакатда ОИВ/ОИТС масалаларини билвосита тартибга солувчи ва турли соҳаларга тегишли бўлган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди: «Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонун; «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида» ги қонун; Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган никоҳга кирган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши тўғрисидаги Низом ва бошқалар қабул қилинди. Батафсил маълумот учун 1-расмга қarang.

³ 16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрдаги «Одамда иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги ЎРҚ-353-сонли қонуни

1987-1997-йиллар (10 йил)

- * 1991 йил Ўзбекистон Республикасининг «ОИТС касаллигининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонуни
- * 1992 йил ВМҚ «ОИТС касаллиги профилактикасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»
- * 1997 йил ВМҚ «Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»

1998-2007-йиллар (10 йил)

- * 1999 Ўзбекистон Республикасининг «Одамда иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликларнинг олдини олиш тўғрисида» ги Қонуни (ОИВ-инфекцияси)
- * 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 214-сонли «ОИВ/ОИТС бўйича санитария қоидалари ва экспертиза нормалари»
- * 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ишга киришда профилактик тиббий кўрикдан ўтиш тўғрисида» ги 300-сонли буйруғи
- * 2002 йил Ўзбекистон Республикасининг «Қон донорлиги ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида»-ги Қонуни
- * 2003 йил «Ўзбекистон Республикасида 2003-2006 йилларда ОИВ/ОИТС эпидемияси тарқалишига қарши курашиш бўйича стратегик дастури» 27.05.2003 йилдаги 3-Республика Фавқулудда эпидемияга қарши Комиссиясининг Қарорига илова
- * 2003 йил ВМҚ «Турмуш кўрган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»
- * 2004 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС бўйича профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида»ги 240-сонли буйруғи. «ОИВ инфекциясининг олдини олиш бўйича ДСЭНМ вазибалари бўйича кўрсатмалар»
- * 2007 йил Ўзбекистон Республикаси ВМ қoшидаги Республика Фавқулудда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг «Ўзбекистон Республикасида 2007-2011 йилларда ОИВ-инфекцияси тарқалишига қарши курашиш стратегик дастури»қарорига илова.
- * 2007 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси билан боғлиқ профилактик тадбирларни такомиллаштириш ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тўғрисида»ги 480-сонли буйруғи
- * 2007 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва дезинфекция режимларига риоя қилиш тўғрисида»ги 600-сонли буйруғи

2008-2017-йил

- * 2008 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1023-сонли қарори
- * «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»2009 йил 1-сон ВМҚ
- * 2009 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 74-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги туғруққа ёрдам берувчи муассасаларда ОИВнинг онадан болага ўтишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи
- * 2012 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси бўйича профилактика тадбирларини такомиллаштириш ва тиббий ёрдамни ташкил этиш тўғрисида»ги 80-сонли буйруғи
- * 2012 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВ инфекцияси бўйича ЖССТнинг мослаштирилган миллий протоколларини жорий этиш тўғрисида»ги 88-сонли буйруғи
- * 2013 йил Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-353-сонли «Одамда иммун танқислиги вируси (ОИВ инфекцияси)келтириб чиқарадиган касалликларнинг тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни
- * 2013-2017-йилларда Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича миллий стратегик дастур
- * 2014 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 200-сонли «Ишонч хоналарида ОИВга экспресс-тестинг жорий этиш бўйича миллий протоколни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи
- * 2015 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВ бўйича миллий клиник протоколларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 81-сонли буйруғи.
- * 2015 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВга қарши курашиш ва Ўзбекистон Республикасида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида» ги 123-сонли буйруғи


2018-2021 йиллар

- * ПҚ-3800 22.06.2018 «Одамда иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ичидаги инфекцияларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

1-расм. Ўзбекистон Республикасида ОИВ тарқалишининг олдини олиш соҳасида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш хронологияси.

Чет элга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-меҳнат мигрантларини ОИВ га текшириш амалиёти


Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш статистикаси сўнгги бир неча йил ичида, яъни 2014-2019-йилларда барқарор ўсишни кўрсатди. Ушбу динамикани 2020 йилда бутун дунё бўйлаб тарқалган коронавирус инфекцияси пандемияси - COVID – 2020 билан боғлиқ инқироз бузди. Маълумотлар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши динамикаси. Маълумотлар мутлақ қийматда берилган⁴.

Мамлакат фуқароларининг аксарияти асосий сабаб сифатида «Қариндошларни кўриб келиш» деб кўрсатадилар. Фуқароларнинг 10 фоиздан ортиғи 2014-йилда иш ёки ўқиш учун хизмат сафарига кетиш сабабини кўрсатган бўлса, 2019-йилда бу кўрсаткич 2,3 фоизга камайган, 2020-йилда эса яна 6,6 фоизга ошган. Шунини тушуниш керакки, чет элга чиқувчи мамлакат фуқаролари ушбу сабабларнинг ҳар бирини кўрсатишлари мумкин, бироқ уларнинг мамлакатдан чиқишлари ҳақиқий сабаби иш билан боғлиқ бўлиши мумкин, 3-расмга қаранг.

⁴ 2014-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасидан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши динамикаси. Чиқиш мақсади бўйича умумий чиқиб кетганларнинг % миқдорида кўрсатилган⁵.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасидан келган меҳнат мигрантлари кўпинча яқин хориж мамлакатларига ишга юборилади. Ўзбекистон Республикаси МДХ мамлакатлари таркибига киради, шунинг учун Ҳамдўстликнинг аксарият мамлакатларида ушбу ҳудудда визасиз режим мавжуд. Давлат аҳолиси ишлаш учун соддалаштирилган усулдан фойдаланишлари мумкин. Ўзбекистон фуқаросини ишга жойлаштириш, масалан, Россия Федерациясида қуйидагича бўлиши мумкин: (1) вақтинчалик яшаш учун рухсатнома билан; (2) патент бўйича; (3) яшаш учун рухсатнома бўйича; (4) фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзлари бўйича. Ўзбекистон фуқароларини ишга жойлаштириш кўпинча патент асосида амалга оширилади. Ҳужжатда хорижий давлат ходимининг мамлакат ҳудудларида ишлаш нияти баён этилиши керак. Патентни олиш учун бошқа ҳужжатлар билан бирга ОИВ ва ўзгалар учун хавф туғдирадиган бошқа касалликларнинг йўқлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномани тақдим этиш керак.


Ўзбекистон фуқароси патентсиз ишлаш ҳуқуқига эга. Бироқ, у алоҳида гуруҳларга тегишли бўлиши керак, масалан: (1) Россияга жўнатилган ва Ўзбекистон Республикасида яратилган ускуналарга хизмат кўрсатувчи ходимлар; (2) Элчихоналар ва консулликларнинг дипломатлари ва ходимлари; (3) Россия Федерацияси корхоналари учун зарур бўлган юқори малакали мутахассислар; (4) педагогик ва тиббиёт ходимлари, агар улар аккредитациядан ўтган муассасада ишлашга таклиф қилинган бўлса; (5) гастрол сафарларида юрган мусиқачилар, рассомлар ва бошқа санъаткорлар; (6) Талабалар эса фақат бўш вақтларида ишлашлари мумкин.

⁵ 2014-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасидан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши.

Ишга жойлашиш учун номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш кўплаб мезбон мамлакатларда амалга оширилади: Россия федерацияси, Туркия, Жанубий Корея, шунингдек Марказий Осиё мамлакатлари (Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон). Россия Федерацияси қонунчилигининг талабларига мувофиқ, Россия федерацияси ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларда текшириш ўтказилиши керак. Томонлар ўртасида келишувга эришилган тақдирда, ишга жойлашиш учун номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида халқаро шартномада белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Хорижий меҳнат мигрантларини Ўзбекистон Республикасига киришда ОИВ инфекциясига текшириш амалиёти


Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл фуқароларининг кириб келиши динамикаси босқичма-босқич ўсиб борди ва 2019-йилда ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. 2020-йилда COVID-19 пандемияси муносабати билан кўрсаткичлар кескин пасайди. Маълумотлар 4-расмда келтирилган.



4-расм. Чет элдан Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши динамикаси. Маълумотлар мутлақ қийматда кўрсатилган⁶.

⁶ 2014-2020-йилларда Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадлар билан келган хорижий шахслар сонининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши.

Чет эл фуқароларининг мамлакатга кириш мақсадлари ичда «қариндошларни кўргани келиш», «саёҳат» ва «хизмат мақсадлари/ўқиш»га келиш етакчилик қилади. Маълумотлар 5-расмда кўрсатилган.



5-расм. Чет элдан Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши динамикаси. Маълумотлар кириш мақсади бўйича келганларнинг умумий сонининг % миқдорида келтириб ўтилган⁷.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари учун ишга кириш мақсадида бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда ЎзРес тиббиёт муассасалари томонидан берилган ОИВ-инфекцияси йўқлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳам талаб этилади. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси ВМ 25.03.2019 «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги №244 -сонли буйруғи ва «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 5-илоvasи асосида қайд этилди.

Вазиятни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, тиббиёт ходимлари бундай талабни ортиқча деб ҳисоблашади, чунки бу ўз соҳасида юқори малакага эга бўлган ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўз маҳоратини, тажрибасини ва малакасини тақдим этишга қодир бўлган чет эл фуқароларининг мамлакатга киришини қийинлаштиради. Қоида тариқасида, заиф кам таъминланган гуруҳларга мансуб бўлмаган юқори малакали ва юқори ҳақ тўланадиган ишчилар мамлакатга кираётган мутахассисларнинг асосини ташкил этади. ОИВ инфекциясига эга бўлган тақдирда, улар РВҚТ мустақил равишда сотиб олишлари ёки ўзларининг

⁷ 2014-2020-йилларда Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадлар билан келган хорижий шахслар сонининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши.

2

МИЛЛИЙ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ШУ ЖУМЛАДАН ОИВ БИЛАН ЯШАЁТГАН МИГРАНТЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ МАСАЛАЛАРИ


Меҳнат мигрантлари гуруҳида ОИВ тарқалишининг олдини олиш сиёсати

Меҳнат миграцияси жараёнини бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири мигрантлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва айниқса, ОИВ инфекциясининг тарқалишини олдини олиш масаласидир. Меҳнат мигрантлари «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича стратегик дастур»да ОИВ инфекцияси хавфи юқори бўлган гуруҳга киритилди. Уни амалга ошириш давомида мигрантлар билан ишлаш бўйича маълум бир ёндашувларини ишлаб чиқиш мақсадида ОИВ тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси қарори билан 28.01.2013 йилдаги «2013-2014 йилларда одам савдосига қарши курашни янада кучайтириш чора-тадбирлари режаси» ва 2013 йил 1 июндаги «Узоқ вақт давомида чет элда бўлган фуқаролар ўртасида ОИВ инфекциясини аниқлаш ва олдини олиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 165-сонли Қарори тасдиқланди.


Шунингдек, махсус “Хорижга чиқаётган ва республикага кирувчи Ўзбекистон фуқаролари ўртасида ОИВ инфекциясини аниқлаш ва олдини олиш тартиби” жорий этилди. Мазкур ҳужжатларга кўра, республикадан чиқиб кетаётган (ёки мамлакатга кираётган) барча шахслар ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича тестдан ўтиши шарт. 2011-йилдан бошлаб ушбу гуруҳ ҳам аҳолининг бошқа заиф қатламлари қатори тадқиқот ўтказиш учун кузатув остидаги назорати тизимига киритилган.

Асосан, республика мигрантлари ОИВ инфекцияси кенг тарқалган мамлакатларига борадилар. Шу билан бирга, улар тез-тез ўз оилаларидан алоҳида кетадилар, бу эса уларни заиф гуруҳларга кирадиган бегона шахсларга мурожаат қилишларига сабаб бўлади, бундай гуруҳларда ОИВ тарқалиши ва ҳимояланмаган алоқалар туфайли инфекция юқтириш хавфи юқори.


КЭН маълумотларига кўра, бу гуруҳдаги эркаклар сони аёлларга нисбатан устунлик қилади, 6-расмга қаранг. Ишга кетаётган мамлакат фуқароларининг ёш таркиби меҳнатга лаёқатли ёшга мос келади ҳамда 20 ва ундан катта ёшдагилар оралиғида ўзгариб туради, 7-расмга қаранг. Оилавий ҳолат даражасига кўра, гуруҳнинг аксарияти турмуш қурган ёки турмуши расман расмийлаштирилмаган турмуш қурган фуқаролардир. Шу билан бирга, фуқаролик никоҳларининг улуши 2013-дан 2017-йилгача ўн олти марта ошди. Маълумотлар 8-расмда келтирилган.



6-расм. КЭН бўйича ОИВ та текширилган меҳнат мигрантларининг жинси бўйича тақсимланиши (ОИВ бўйича текширилганлар умумий сонининг % да)




7-расм. КЭН бўйича ОИВ та текширилган меҳнат мигрантларининг ёши бўйича тақсимланиши (ОИВ бўйича текширилганлар умумий сонининг % да)




8-расм. КЭН бўйича ОИВ та текширилганлар умумий сонининг % да тақсимланиши (ОИВ бўйича текширилганлар умумий сонининг % да)

КЭН тадқиқотида кўра, 2011 да меҳнат мигрантлари орасида ОИВ тарқалиши 0,01% эди, аммо ҳар йили ушбу гуруҳда мусбат ҳолатларни қайд этишда ўсиш кузатилмоқда. 2013-йилга келиб, мигрантлар орасида ОИВ инфекциясининг аниқланган ҳолатлари 1,5 мартадан кўпроқ ошди, 9 (А) расмга қаранг. Ўтган бир неча йил ичида юқиш йўллари ҳам ўзгарган. Шундай қилиб, жинсий йўл билан вируснинг юқиш нисбати деярли 1/4 (2013-йилдан 2017 йил учун 23,8 % ўсди) мартага ўсди ва перенатал йўл юқиш икки баробарга камайди (18,1% дан 9,42% гача). ОИВ инфекциясининг юқиш йўли аниқланмаган ҳолатлар сони ҳам камайди. Агар 2013 йилда бу кўрсаткич 18% бўлса, 2017 йилга келиб бир фоизга камайди. 9 (В) расмга қаранг.

A



B



9-расм. Меҳнат мигрантлари гуруҳида ОИВнинг тарқалиши (А) ва юқиш йўллари (В) динамикаси

ОИВ ва инфекциянинг тарқалиш усуллари ҳақида паст даражадаги билимлар хавфли хатти-ҳаракатларга олиб келади. Мигрантларнинг маълум бир қисми ноқонуний мақомига эга бўлганлиги сабабли уларни қабул қилувчи мамлакатларда даволаш-профилактика хизматларидан фойдаланиш қийин. Мигрантлар ўртасида олиб борилаётган фаол чора-тадбирлар ушбу гуруҳда инфекциянинг кўпайишини маълум даражада тўхтатиб турмоқда, бироқ ҳозирги вазият ушбу гуруҳ учун амалга оширилаётган профилактика дастурларини кўпайтириш, шунингдек, уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш зарурлигини тақозо этмоқда.

ОИВ тарқалишининг олдини олиш соҳасида мувофиқлаштирувчи механизм

ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича барча тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 мартдаги «Одамда иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги ЎРҚ-353-сонли Қонуни асосида амалга оширилади. ОИТСга қарши кураш марказлари тизими, яъни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ОИТСга қарши кураш маркази, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказлари давлат томонидан тартибга солиш ва ОИВ/ОИТСга қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

2007-йилда ОИВ инфекцияси, сил ва безгак тарқалишига қарши курашиш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун донор маблағларини жалб қилиш мақсадида Идоралараро эксперт кенгаши (ИЭК) ташкил этилди, унга мамлакат Мувофиқлаштирувчи қўмитасининг вазифалари юклатилди.

Барча ҳудудларда вилоят, шунингдек, 2017 йилдан бошлаб туман мувофиқлаштирувчи қўмиталари фаолият юритмоқда. Вилоят мувофиқлаштирувчи қўмиталар аъзолари кўп ҳолларда ушбу касалликлар билан боғлиқ масалаларни давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал қилишда иштирок этадилар.

Меҳнат мигрантлари гуруҳлари билан профилактика дастурлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган ҳаракатлар стратегиясида мақсадли дастурларни амалга ошириш орқали аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш орқали ижтимоий соҳани ривожлантириш кўзда тутилган. Бундай дастурлар юқорида айтиб ўтилганидек, ташқи миграция соҳасида ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу дастурларда меҳнат мигрантларини тайёрлаш ва уларни хорижга ишлаш учун уюштирилган сафарларга тайёрлаш масалаларига муҳим ўрин берилган. Бундай тайёргарлик йўналишларидан бири турли гуруҳлар вакиллари ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш ҳақида хабардор қилишдир. Мазкур дастурлар Республика ОИТСга қарши курашиш маркази раҳбарлигида манфаатдор вазирлик ва идоралар

билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. ОИВ инфекцияси бўйича ўқув дастурлари уюшган ёшлар учун ўтказилади ва таълим тизимига киритилади. Ҳар йили турли соҳаларнинг қўшма тадбирлар режасига (Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги) мувофиқ Хавфсизлик ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида наркология хизмати, ИИБ хизмати мутахассислари, Маҳалла жамоалари ва диний арбоблар иштирокида вазирлик, таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда маърифий семинарлар ўтказилмоқда.

Аҳолининг турли гуруҳлари учун ахборот-таълим материалларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича Республика комиссияси томонидан тасдиқланган ахборот-таълим материаллари ишлаб чиқарилади, улар эса ўз навбатида ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан тақсимланади.

ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш масалалари бошқа миллий дастурларга ҳам қўшилди. Аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

ОИВ билан боғлиқ даволаш, қўллаб-қувватлаш ва парвариш қилишни таъминлаш билан боғлиқ давлат харажатлари тўғрисидаги маълумотлар

Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС бўйича тадбирларни молиялаштириш қуйидаги тоифалар бўйича амалга оширилади:

1. Профилактик дастурлар: шприцлар сотиб олиш, шахсий ҳимоя воситаларини сотиб олиш, ахборот материалларини нашр этиш ва тарқатиш, ишчиларни қўллаб-қувватлаш, ОИВ/ОИТС бўйича ахборотни қўллаб-қувватлаш;;
2. Ташхис: ОИВ текшируви учун тест тизимларини сотиб олиш, иммунитет ҳолатини аниқлаш, вирус юкини аниқлаш, асосий аҳоли ва ҳомиладор аёллар учун тезкор тестларни сотиб олиш;
3. Даволаш: катталар ва болаларни даволаш учун АРВ препаратларни сотиб олиш; ОИВ инфекциясини юқтирган шахсларнинг билан алоқа қилгандан кейинги профилактикаси учун АРВ препаратларини сотиб олиш; ОИВ инфекциясини онадан болага ўтказишнинг олдини олиш учун АРВ препаратларини сотиб олиш; ОБЯШда оппортунистик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун дори-дармонларни сотиб олиш;

4. Бошқа чора-тадбирлар: ОИВ учун эпидемиологик кузатув тизимини такомиллаштириш ва МваБ, КЭН тизимини мустаҳкамлаш, ОИВ инфекциясини юқтирганларда сил касаллигининг кимёпрофилактикаси, асбоб-ускуналар ва тиббий буюмларни сотиб олиш, ОБЯШда жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларни даволаш; ОИТС марказларига тиббий ёрдам ва техник хизмат кўрсатиш.

2019-йилда ОИВга доир тадбирларига давлат бюджетидан 935 млн. АҚШ долларида ортиқ маблағ ажратилди. Давлат маблағларининг улуши 80%, қолган 20% эса халқаро ҳамкорлар ҳисобидан молиялаштирилади. ОИТС инфекцияси эпидемиясини назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига тақдим этилаётган халқаро ёрдам доирасида ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича глобал жамғарма, БМТ агентликлари ва бошқа ҳамкорлар томонидан маблағлари ажратилмоқда.

ОИВ билан касалланган меҳнат мигрантларини даволаш, қўллаб-қувватлаш ва парваришлаш харажатлари тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

3

ОБЯШ ГУРУҲИНИНГ ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ БЎЙИЧА ТАЖРИБАСИ: АСОСИЙ ГУРУҲЛАР БИЛАН ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН СУҲБАТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ

Ишга жойлашиш учун чет элга чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тегишли муаммолар

ОИВ билан яшаётган, ишга жойлашиш мақсадида чет элга чиқиш тажрибасига эга бўлган одамлар ҳамжамияти вакиллари билан ўтказилган чуқурлаштирилган интервью материалларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш натижалари ушбу соҳада ОИВ билан касалланган инсонлар учун

яратилган қонуний тўсиқлар ишламаётганлигини кўрсатиб турибди.

- Менинг ўзим у ерда яшовчи қариндошимникига, холамникига бордим.

- Ишга кетаётганлар ҳақида эшитганман, касалхонада бўлганимизда ҳам кўрганман. Улар кўпинча ишга чиқишганлиги ҳақида гаплашишарди.

ОИВ билан касалланган аёл мигрант билан ўтказилган ЧИ дан парча, Россия, Москва вилояти

- Қўшниларимнинг қизи мени у ерга чақирди. Мен унга ўзим айтдим, агар иш бўлса, менга кўнғироқ қилинг. Мен унга касаллигим ҳақида ҳеч нарса айтмадим, лекин у ерга келганимда ҳужжатларни расмийлаштира олмаслигимни айтдим. Мен ногиронман. Мен унга юрагимда нуқсон борлигини айтдим. У менга жавоб берди: келинг, ҳар 3 ойда мамлакат ҳудудига кириш-чиқишни ташкил қиламиз.

ОИВ билан касалланган аёл мигрант билан ўтказилган ЧИ дан парча, Россия, Новосибирск

Бошқача қилиб айтганда, бундай тўсиқлар бўлишига қарамасдан ОБЯШ бошқа сабабларга кўра чет элга борадилар, ва четга чиқиш мақсадлари сифатида «қариндошларини зиёрат қилиш», «туризм / саёҳат», «даволаш» ва бошқаларни кўр-

сатадилар, айниқса, Россия Федерацияси ҳақида гап кетганда, чунки бу мамлакатда 90 кундан ортиқ қолиш учун виза, талаба ва ишчи виза, шунингдек, яшаш учун рухсатнома олишда ОИВ тестини топшириш мажбурийдир⁸. Бу ҳолат ОБЯШ жамияти вакилларига учиб келган мамлакатда ўз мақомини расман расмийлаштиришга имкон бермайди. Бу эса, аксарият ҳолларда уларнинг ноқонуний ишлашларига олиб келади. Қоидага кўра, улар норасмий секторда: бозорда,

-Чет элда ноқонуний яшадигиз, қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

- Биз, муҳожирларни қора ишчи кучи деб қабул қилишар эди. Мен озарбайжонликлар билан ишлаганман, очиқ айтсам, менда патент ҳам, ҳужжатлар ҳам йўқ, рўйхатдан ўтиш муддати тугаган эди. Мен улардан тинчгина ишлашда давом этишим учун полиция келса, мени ҳимоя қила оладими, деб сўрадим ...

Хотиржам ишлай олсан, хавотирланмасанг бўлади, дейишди. Мен ишимни давом эттирдим, оғзаки келишувга кўра, улар ҳам биз каби мусулмонлар, мени ҳимоясиз қолдирмайдилар, деб ўйладим.

- Демак, сиз патент расмийлаштира олмадингиз, ҳатто патент учун ҳужжатларни топширишга уринмадингиз ва деярли икки йил норасмий ишладигизми? Қайси соҳада ишлагансиз?

- Мен кийим сотардим ...

ОИВ билан касалланган аёл мигрант билан ўтказилган ЧИ дан парча, Россия, Подмосковье

⁸ А.В. Покровская¹, 2, В.В. Юмагузин³, Д.Е. Киреев¹, М.В. Винник³, В.В. Покровский¹ 1 Центральный научно-исследовательский институт эпидемиологии, Москва, Российская Федерация 2 Российский университет дружбы народов, Москва, Российская Федерация 3 Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», Москва, Российская Федерация «Влияние миграционных процессов на ситуацию по ВИЧ-инфекции (аналитический обзор)»

умумий овқатланиш тизимида, хавфсизлик соҳасида, хусусий секторда иш топишга ёрдам берадиган яқин қариндошлари ёки дўстлари/танишлари-нинг маслаҳати билан иш топадилар.

*-2019-йил август ойида мен Россия Федерациясига ишлаш учун учиб келдим, у ерга келиб, уч ой муддатга рўйхатдан ўтдим, яширмайман, у ерда ҳужжатсиз эдим, чунки касал эдим, у ерда патент расмийлашти-
ра олмадим.*

ОИВ билан касалланган аёл мигрант билан ўтказилган ЧИ дан парча, Россия, Подмосковье

*-Ҳа, мен Россияда ноқонуний ишларэдим. Патент олмакчи бўлганимда, 50 доллар тўлашим кераклигини айтишди. Шунинг учун мен патент олмакликка қарор қилдим. Бу ердан кетгач, иш сўраб мурожаат қил-
дим, давлат ишини назарда тутмадим.*

- Қайси соҳада ишлагансиз?

- Ошхонада ишлаганман. Идишларни ювар эдим.

ОИВ билан касалланган аёл мигрант билан ўтказилган ЧИ дан парча, Россия, Новосибирск

шлари-нинг маслаҳати билан иш топадилар. Қоидага кўра, бу ерда эркаклар учун энг талаб-гир касблар қўриқчилар, қурилиш ишчилари / таъмирлаш бригадалари аъзолари ва бошқалар. Аёллар учун - идишлар-ни ювувчи, бозорда сотувчи, энагалар ва

бошқалар. Визанинг йўқлиги ва рўйхатдан ўтиш муддати ўтганлиги, ишлаш учун патентнинг, яшаш учун рухсатноманинг мавжуд эмаслиги, норасмий меҳнат - бу ОБЯШлар ўз ватанига қайтишга қарор қилгунга қадар чет элда яшаш ва ишлашни давом эттиришда содир этадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати.

